

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ

ЁШ ОЛИМЛАР
АХБОРОТНОМАСИ

№1 (2) 2018
ИЛМИЙ ЖУРНАЛ



С. С. Гулямов

бош мухаррир,

юридик фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Ёш олимлар кенгаши раиси

Г. Х. Тиллаева

бош мухаррир ўринбосари,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

О. Б. Абдимўминов

ахборотноманинг масъул котиби,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Таҳрир ҳайъати

Б. С. Юлдашев
Б. Т. Ибрегимов
С. Ш. Рашидов
А. Аскаров
Ф. А. Бахадиров
С. З. Мирзаев
Б. А. Абдухалимов
М. В. Кремков

физика–математика фанлари доктори, академик
кимё фанлари доктори, академик
кимё фанлари доктори, академик
тарих фанлари доктори, академик
техника фанлари доктори, профессор
физика–математика фанлари доктори, профессор
тарих фанлари доктори, профессор
физика–математика фанлари доктори, профессор

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси
Журнал Ўзбекистон Магбуот ва ахборот Агентлиги
томонидан 24.02.2011 йилда рўйхатта олинган ва
26.03.2018 йилда қайта рўйхатдан ўтказилган.
Гувоҳнома раками № 0598.

Таҳририят манзили:
100047, Тошкент, Яхё Гуломов кўчаси, 70.
Tel.: (8-371) 233-60-72
Моб.: (99893) 594-14-02
Электрон почта манзиллари:
yok_axborotnoma@mail.ru,
smu_us@mail.ru,
yok@academy.uz
Web: <http://www.vok.academv.uz>
<http://www.facebook.com/smu.an.ruzbekistan>

Муаллифлик хукуки Ўзбекистон
Республикаси Фанлар академияси Ёш олимлар
кенгашига тегишли.

Барча хукуклар химояланган. Ахборотнома
материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва
кўпайтириш Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Ёш олимлар кенгаши руҳсати билан
амалга оширилади.

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ЁОА
таҳририяти, 2018 йил.

ISSN 2181-5186

Ўзбекистоннинг БМТ болалар жамғармаси ЮНИСЕФ билан ўзаро хамкорлиги: ютуқлар ва муаммолар. О. Б. Абдимўминов, Ш.Р.Равшанов	64
Методика преподавания языковых единиц – сплинтеров английского языка. Д.И.Бахромзода	71
Россия империясининг Туркистонда амалга оширган аграр сиёсати. А. М. Базарбаев	76
Матнларнинг ўзига хос спецификаси. Д.И.Бахромзода	83
Экологик хуқуқий билимларни ёшларга трансформациялаш усул ва воситалари. Х. А. Джуракулов	88
Миллий матбуот сахифаларида жадид – қадим муносабатлари (“Ал-Ислоҳ” журнали асосида). Д. М. Жамолова	96
“Халқ табобати” тушунчасига доир муроҳазалар. Х. С. Жуманазаров	101
Бухоро хонлигига қўшиннинг йигилиши, таркиби ва ҳарбий бошқарув тартиблари (XVI аср). А. Т. Замонов	107
Академик лицей ўқувчиларида тарихий билим ҳамда дунёқарашни ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари. А. Ф. Исмаилов	116
Шимолий Бактриядаги бронза даври дехқончилик маданияти ёдгорликларининг даврий саналари. Д. О. Каримова	122
Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўли ва анъаналарини қайта тиклашдаги халқаро иштироқи. А. Ш. Муллаев	129
“Махалла” ижтимоий институт сифатида. Х. Х. Раҳмонов	134
Умумжаҳон ахборот маконида театр тарғиботи: қатнашувчилик эффиқти - К. К. Сагдуллаев	140
Uzbekistan: towards openness and real democrac. J. B. Salomov	146
“Миллий театр” феномени ва замонавий ўзбек театрида тарихийлик ва анъанавийлик масалалари. Б. Ю. Сангиров	152
Закаспий темир йўлининг хаж сафарини ташкил этишдаги роли (XIX асрнинг охири XX асрнинг боши). Г. Таниева	159
Алишер Навоийнинг “Муножот” асари ва унинг бадиий хусусиятлари. Х. Б. Тожиева	167
Аҳмад Донишнинг сиёсий хуқуқий қарапашлари. Ш. З. Шарипов	173
Ўзбекистонда ёшлар ташкилотлари фаолияти: ютуқлар ва муаммолар. С. Қ. Фаниев	177
Поверхностно-активные свойства нановолокон на основе фиброна шелка и сополимера акрилонитрила. Шакарова Д.Ш.	182
Ёш олимлар минбари. Мозий билан сирлашаётган ёш оима. Г.Х.Тиллаева	189
«Ёш олимлар ахборотномаси» таҳририятининг илмий мақолаларга талаблари	191

УДК: 94(575.1)

“ХАЛҚ ТАБОБАТИ” ТУШУНЧАСИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Х. С. Жуманазаров*

Калит сўзлар: халқ табобати, анъанавий табобат, табиб, замонавий тиббиёт, ислом, Дао, конфуцийлик, буддизм.

Табобат анъаналари ҳар бир халқ маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, муаммони этнографик нұқтаи назардан ўрганилиши ўша халқнинг тарихи, қадрятлари, хаёт тарзи, яшаш мұхити, миллій ўзликтен англаши каби масалаларга ойдинлик кирилади. Табобат одамларнинг табиий эхтиёжлари, кундалик машғулотлари натижасида эришган билимлар туфайли вужудга келди. Халқ табобати анъаналари шарқшунослар, тиббиёт вакиллари, социологлар, тарихшунослар томонидан ўрганилган. Халқ табобати анъаналарини этнологик жиҳатдан тадқиқ этишга бўлган қизиқиши эса ўтган асрнинг иккинчи ярмидан сезиларли кучайди. Аввало, халқ табобати умумий жиҳатдан тадқиқ қилинган бўлса, бугунги қунга келиб, ушбу анъаналар кам сонли ҳалқлар маданияти мисолида ҳам ўрганилмоқда. Шу қунга қадар бир қанча ҳалқларнинг табобат анъаналари этнологик жиҳатдан тадқиқ қилинган ва муаммони ўрганишга доир методлар, қарашлар ишлаб чиқилган. Бу борада табиблар фаолияти, табобатнинг жамиятда тутган ўрни, унинг этнолокал ҳусусиятлари, замонавий тиббиёт билан ўзаро мутаносиблиги каби масалаларни ўрганиш долзарбилигича қолмокда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (1975 йил) ва Жаҳон соғлиқни сақлаш Ассамблеясининг (1977 йил) халқ табобатини ўрганиш бўйича қабул қилган маҳсус карорлари ҳам бу соҳани жадаллик билан ривожланишига ҳизмат қилмоқда[4:5].

Халқ табобатининг пайдо бўлиши, тарихи ва ривожланиш босқичлари ва ўзига хос ҳусусиятлари борасида бунга даҳлдор фан соҳаларининг ўзига хос қарашлари мавжуд. Ушбу фикрларни таҳлил қилиб айтиш мумкинки табобатнинг пайдо бўлиши борасида қарашларни икки гурухга ажратилади:

1. Диний-мистик назария.
2. Илмий материалистик назария.

Биринчи қараш тарафдорлари табобатнинг пайдо бўлишини илк диний қарашлар (анимизм, тотемизм, фетишизм)нинг вужудга келиши билан боғлайдилар. Яъни, шаманлар, кохинлар ва айрим ибодатхона ходимлари аҳоли саломатлигини асраш, касалликни даволаш билан машғул бўлишган[19:22] дейилади. Жумладан, Геродод скиф табибларининг бир вақтнинг ўзида кохинлик ва фолбинлик билан ҳам шуғулланишини қайд этган[11:760]. Қараш тарафдорлари табобат билимлари ибодатхонада пайдо бўлиб, табиблик билан шу ерда меҳнат қилувчи кохинлар шуғулланишган деган ғояни илгари суришади[16:25] ва бугунги қунда ҳам баъзи эмпирик табобат, замонавий тиббиёт соҳаларида сеҳр-жоду белгиларини учратиш мумкин[21:40] деб хисоблайдилар. Тарихдан маълумки, қадимда ҳам табобат соҳасини давлат

* Х. С. Жуманазаров - ЎЗР ФА Тарих институти докторантни.

назоратида қилиб, табибларнинг тирикчилиги ибодатхоналарга тегишли вакф мулклари ҳисобидан бўлган[18:14], шу сабабли ҳам айрим худудларда илк шифохона ва тиббий мактаблар ибодатхона, черковлар қошида юзага келган. Бу эса табобатнинг пайдо бўлиши ҳақидаги биринчи назариянинг шаклланишига сабаб бўлган омиллардан бири десак тўғри бўлади. Бошқа томондан ҳалқ табобати анъаналари бевосита ўша ҳалқнинг диний қарашлари ва ақидалари билан боғлиқ, масалан хинд, Тибет табобати буддизм динига, Хитой табобати эса Дао ва конфуцийлик фалсафий қарашларига таянади[15:226]. Ўзбекларнинг табобат анъаналарини кўздан кечирсак тозалиқ, поклик, беморлар билан муомала қилиш, тўғри овқатланиш каби ҳаракатлар зардуштийлик қадрятлари ва ислом дини қоидалари асосида янада мустаҳкамланган. Яъни, табобатнинг фалсафий жиҳатларини пайдо бўлиши ва тиб қоидаларини ҳалқ томонидан қабул қилиниши, бажарилишида диний билимлар мухим ўрин тутсада, бу холат табобат анъаналарини тўла шаклланиши учун етарли бўлмайди.

Иккинчи назария тарафдорлари фикрича табобат инсонларнинг амалий фаолияти ва хаётий зарурият натижасада пайдо бўлган. Табобат инсониятга хос маданиятнинг ажралмас қисми бўлиб, инсон тафаккури ва жамият хаёти билан параллел равишда тарақкий этади[12:76]. Ибодатхона ва черковлар қошида тиббий муассасаларнинг вужудга келишига қадар ҳам табобат анъаналари мавжуд бўлган. Инсон томонидан ўзини, табиатни, хайвонот оламини ҳамда ўсимликлар дунёсининг тадқиқ қилиниши эмпирик билимни шакллантирилган. Кейинчалик хаётий зарурат ва шароитга қараб бу билимларнинг айрим қисмлари ҳалқ томонидан ўзлаштирилган, яъни табобат соғлиқни сақлаш йўлида одамларнинг орттирган тажрибалари асосда билим, малака ва кўнишка хосил бўлган[1:5]. Шу кўнишкаларнинг илмий асосланиши ҳамда соҳага доир адабиётларнинг пайдо бўлиши натижасида табобат мактаблари ёки тиб илмини ўргатувчи муассасалар пайдо бўлган. Ўрта асрларда умумий таълим аксарият холларда диний муассасалар қошида ташкил қилинган бўлиб, ўқитишида эмпирик билимларга асосланган табобатга доир адабиётлар ва қўлланмалардан кенг фойдаланилган. Умуман олганда, табобат анъаналарини аниқ бир йўналишда шаклланган деб фикр билдириш қийин, чунки ҳалқ табобатида ҳар икки йўналиш унсурлари аралаш ҳолда даволаш, дори тайёрлаш каби анъаналарида кузатилади.

Шундай бўлсада даволаш усуслари, касбий атрибулари ҳамда табибларнинг умумий фаолиятига қараб ҳалқ табобатини йирик икки гурухга ажратиш мумкин: мистик (тасаввуф, ғайритабиий кучларга ишониш) табобат ва эмпирик (тажриба йўли билан, тажрибага асосланиб, бирор нарсани тажриба йўли билан аниқламоқ) табобат. Тиб анъаналарини ўрганишда, табобат сўзининг маъноси ва қўлланлишига ҳам эътибор қаратиш зарур. Ҳалқимиз орасида кенг ишлатиладиган “табобат” атамаси эса араб тилида “саломатликни асраш, даволаш ва доридармон билан боғлиқ амалиёт”ни ифодаловчи сўз бўлиб, арабларда «тибобат» шаклида қўлланилади. Сўзниг ўзаги арабчи «*табба*» - феъли «даволаш» деган маънони билдиради. Бундан куйидаги сўзлар ясалган: «*тиббун-тиб*»-даво, «*тиббатун-тибобат*»-даволаш, табиблик қилиш[23:19]. Бундан ташқари, “*тиб*” сўзининг ўзи “ислоҳ қилиш”, “тузатиш” каби маъноларини билдириб, “тиб қилди” деганда “беморни ислоҳ қилди”, “тузатди” каби маънолар тушунилган. “Тиб”нинг иккинчи маъноси “моҳирлик”, “хозиқлик”[25:6]дир. Табобат сўзи якка ҳолда эмас кўпроқ “Ҳалқ табобати” ёки “анъанавий табобат” номлари остида қўлланилади. Табобатнинг “анъанавий даволаш усули” ёки “ҳалқка хос усул” деб алоҳида талқин қилинишининг сабаби дунё бўйлаб замонавий тиббиётнинг ривожланиши ва айрим холларда тиббиётни табобатдан мутлоқо ажратиб қўрсатилишидир. Тиббиёт ва табобатнинг қарама-қарши қўйилиши натижасида умумий асосга эга бўлган бу икки амалиётнинг ўз ҳолича ривожлана олмаслиги маълум бўлди. XVIII асрдан бошлаб замонавий тиббиёт ва ҳалқ табобати тушунчалари олимлар томонидан алоҳида кўринишда ўрганилган. Бунга яққол мисол сифатида

базеллик (Швецария) шифокор Теодор Цвингер (1658-1724) асарларини келтириш мумкин. XIX аср охири ва XX аср бошларида немис шифокорларининг саъий-харқатлари натижасида “халқ табобати” номи ва унга хос бўлган усууллар, воситалар ва таркибий кўринишлар юзага келди[14]. Кейинчалик халқ табобати якка ҳолда юқорида таъкидланганидек бир қанча фан соҳаларининг тадқиқот мавзусига айланиб қолди. Шарқда эса тиб илмининг ривожи халқ табобати анъаналари асосида шаклланган бўлиб, бу борада яратилган асарларда халқ орасида машҳур бўлган даволаш, ташхис қўйиш ва дори тайёрлаш усууларининг илмий жиҳатдан исботланган кўринишлари акс этган.

“Халқ табобати” атамасига эътибор қилсак, “маълум халққа хос бўлган табобат” ёки “халқ фойдаланадиган тиббий илм” деган маъно келиб чиқади. Этнолог олим Ю. Бромлей табобат анъаналари хақида фикр юритар экан, бевосита “халқ” атамасига эътибор қаратиб, “халқ табобати”даги бу тушунчанинг мазмунига тўхталади. Унинг фикрича, “халқ” сўзи икки хил маънода қўлланилади: оддий меҳнаткаш оммага ҳамда этник бирликка нисбатан[5:4]. Халқ табобати қайси маънода қўлланилишига тўхталиб, бу атама фақатгина маълум этник бирлик (халқ)ка хослигини таъкидлайди. Этник бирликка тегишли табобат анъаналарининг вужудга келишида оддий халқнинг йиллар давомида машаққатли меҳнати натижасида тўплаган билим ва тажрибаси сабаб бўлган.

Юқорида келтирилган фикрдан хулоса қилиб айтиш мумкинки халқ (эмпирик) табобати - инсонларнинг яшаш тарзи, машғулоти, хўжалиги, умуман ижтимоий фаолияти натижасида орттирган тажрибалар тўпламидир. Халқ табобати асрлар давомида анъаналар асосида эътироф этилган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касалликларининг олдини олиш, соғломлаштириш, ташхис қўйиш, инсонни яхлит ўрганиш ва фақат табиий хом ашёлар билан даволаш анъаналаридир [24:328]. Табобат анъаналари бугунги кунгача оғзаки (авлоддан авлодга оғзакт етказилиши) ва ёзма (соҳа вакилларининг мавзуга оид китоб, қўлланма, рисолаларининг ёзиши) тарзда етиб келган.

Табиблар тиб билан шуғулланиши алоҳида касби сифатида айтилиши керакми ёки табобат оддий хунар турларидан бирими? – деган масалада муунтазам мунозара юритадилар[8]. Яъни, халқ табобати анъаналари маълум халққа хос тиб илми экан, бу жараён табиблар фолияти билан боғлиқми ёки табибларсиз мустақил даволаш фаолияти турими?

Табиблик фаолияти халқ табобатининг ажralмас қисми ёки халқ табобатининг таркибий тузилишларидан биридир. Илк даврларда тўпланган тиббий тажрибалар умумжамоа мулки бўлиб, анча содда кўринишда бўлган. Чунки кишиларда ҳали тиббий билим тўлиқ шаклланмаган, фақатгина кузатиш ва тажриба йўли билан айрим тиб амалларини фойдасини англаб етишган. Шу сабабли ҳам улардан ҳар ким фойдалана олган. Вақт ўтиши билан халқ томонидан тўпланган тиббий анъаналар маълум инсонлар қўлида тўпланиб, илмий тажрибалар асосида ривожлантирилгач табиблик касбини юзага келишига сабаб бўлган. Табиблик касбини юзга келишига қадар баъзи касб эгалари табобатнинг айрим соҳалари билан шуғулланишган, масалан, сартарошлар[20:69], темирчилар[6:21] ва х.к. Муаммонинг иккинчи томони шундаки илгари табиблик алоҳида касб тури ҳисобланмасдан, табобатдан ҳабари бўлган шахс аслида бошқа касб билан шуғулланиб оила тебратган, яъни табобатга тирикчилик манбай сифатида қарашмаган[3:12]. Бу омиллар кишини моҳир табиб бўлиб шакллангунга қадар оддий халқ орасида кишиларнинг оилавий аҳволи, турмуш шароити ва муаммоларидан ҳабардор бўлиб, уларнинг “яқин одами” сифатида танилиши оқибатид жамият аъзолари табибларга ўзларининг барча сир – асрорларини айтишга тортилмаганлар. Бугунги кунда ҳам табибларнинг бошқа касб шуғулланиши ҳолатлари кузатилади. Жумладан дала этнографик тадқиқотлар шуни кўрсатдики,

асосан мистик табобат билан шуғулланувчиларнинг аксарияти бошқа машғулот тури билан шуғулланади. Масалан, Самарқанд вилоятининг Каттақўргон туманида истиқомат қилувчи кинначи табибининг асосий меҳнат тури дехқончилик бўлиб, талаб бўлган вақтда табиблик ҳам қиласди.

Олим Разоқ Ғиёсий (Razak Gyasi) муаммони Гана халқи мисолида ўрганиб айтадики, бугунги кунда ривожланган ҳудудларда беморлар маҳсус таълим олган шифокорларга мурожат қилишади, тиббиёт муассасаларидан узокда яшовчилар, моддий имконияти чекланганлар ёки айрим ривожланаётган ҳудуд аҳолиси эса кўпроқ халқ табиблари хизматига эҳтиёж сезишади [2:41]. Шу ўринда халқнинг табобат соҳаси ва табибларга муносабати, ҳукумат томонидан яратилган замонавий тиббий қулийликлар ҳамда давлат халқ табобатини қонун билан ҳимояланганлиги ва тиббиёт ва табобатнинг ўзаро боғлиқлиги каби сабабларни инобатга олиш зарур.

Бугунги кунда ҳам одамлар орасида “халқ табобати” тушунчаси соҳа мутахассисиз даволаш, табий воситалар орқали муолажа олиш деган тасаввур ҳосил қилган. Яъни халқ табобати замонавий тиббиёт ходими-шифокорсиз даволаш усулидир, табибсиз эмас[9]. Табиблар эса тиббий илмни айнан халқнинг ўзидан ўрганган ва шу халқка нисбатан қўллаган. Шуни асос қилиб айтиш мумкинки табиблар халқ табобатининг яшаси ва авлоддан – авлодга ўтишида асосий кўприк вазифасини бажаради. Иккинчи томондан халқ табобати усувлари содда, тушунарли ва уй шароитида топилиши осон жиҳозлар ва тайёрлаш мумкин бўлган муолажалардан иборат[10]. Бу ҳолат ҳам беморни оила аъзолари томонидан халқ табобати йўли билан ҳатто табибсиз даволаш мумкин деган тушунчани шаклланишига сабаб бўлган.

Баъзан олимлар “халқ табобати” ва “анъанавий табобат” атамасини алоҳида талқин қилинади[13]. Яъни, тиббий билимларни йирик уч гурухга ажратишади: халқ табобати, анъанавий табобат ва илмий тиббиёт. Улар, табиб халқ табобати билан, ҳакимлар эса анъанавий табобат билан шуғулланади деган фикрни илгари сурадилар. Халқ табобати ва анъанавий табобатнинг ўзаро фарқини эса қуидагича асослайдилар: анъанавий табобатда эришилган ютуқлар (ишлатиладиган доривор воситалар, даволаш усувлари ва бошқалар) ёзма ҳолда битилиб, халқлар орасида ва авлоддан-авлодга тарқалган. Анъанавий табобат ўз тараққиёти буйича халқ табобатидан юқори туради ва илмий тиббиётга асос солған[22:3]. Бу фикрлар ҳам баҳсли бўлиб, агар “халқ табобати” дейилганда мистик табобатни, анъанавий табобат дейилганда эмпирик табобат назарда тутилган бўлса бирмунча тушуниш мумкин, унда ҳам анъанавий табобат ва халқ табобати номларини алоҳида қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки “анъана” - тарихий тараққиёт жараёнида табиий ва ижтимоий эҳтиёжлар асосида вужудга келадиган, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтадиган, кишилар маданий хаётига таъсир ўтказадиган маданий ҳодисадир. Анъана ўзига хос ижтимоий қоида сифатида кишилар онгигга сингган (умум ёки маълум гурух томонидан), қабул килинган тартиб ва қоидалар мажмуаси хисобланади [17:8]. Халқ табобати ҳам инсониятнинг эҳтиёжлари натижасида яратилган ва авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб келаётган тиббий анъаналар тўпламидир. “Халқ табобати” ва “анъанавий табобат” атамалари маъно жиҳатидан яқин бўлиб, табобат билан шуғулланувчи мутахассислар “табиб”, бу соҳада етук олим бўлганлар “ҳаким” номи билан аталган[7]. Демак, халқ томонидан табобатга доир тажрибани тўпланиши ва ундан мунтазам асрлар давомида фойдаланиши оқибатида бу тажрибалар анъанага айланган.

Хозирда “халқ табобати” атамаси ўзбеклар томонидан табобатнинг ҳар икки соҳаси учун ҳам қўлланилади. Мистик ва эмпирик табобат билан шуғулланувчилар бирдек “табиб” номи билан юритилади. Республикамиз бўйлаб ўтказилган сўровномаларга эътибор қаратсан, “халқ табобати деганда нимани тушунасиз?”- деган саволга иштирок этганларнинг 40%“ҳам мистик

табобат ҳам эмпирик табобат билан шуғулланувчилик” -деб, 33% факат эмпирик табобат вакиллари деб, қолган 27% “мистик табобат вакиллари” деган жавобни берган. Бунда эътибор қаратиш керак бўлган жиҳат шуки, баъзи ҳудудларда мистик табобат вакиллари ва муқаддас қадамжолар нисбатан кўп учраса, бошқа ҳудудларда эса кўзга кўринган эмпирик табобат вакиллари кўпчиликни ташкил қиласди.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, ҳалқ табобати тушунчалиси ва унга хос усуслар асрлар давомида бевосита ҳалқ томонидан яратилган ва одамларнинг тараққиётга интилиши натижасида ривожлантириб борган. Ҳалқ табобатининг тўла тараққий этиши маълум этник бирликнинг ҳалқ сифатида шаклланиши муҳим аҳамиятга эга. Илгари табобат илми умумжамоа мулки ҳисобланган бўлса, энди маълум ҳалқнинг маданий бойлиги сифатида аҳамият касб этди. Ҳалқ табобати ўзида одамларнинг яшаш шароити, машғулоти, диний қарашлари, табиат билан муносабати, илмий синовлари, тўплаган тажрибаларини ўзида мужассам этган. Унинг шаклланишига ҳалқнинг барча вакиллари қисман сабабчи ёки асос солувчиидир. Чунки киши ҳоҳ бемор, ҳоҳ табиб бўлишидан қатъий назар ўз мансуб бўлган ҳалқнинг табобатига мурожат қиласди ва шу табобат атрофида изланиш олиб боради. Ҳалқ табобати маълум этник гурухнинг ҳалқ ва миллат бўлиб шаклланиши жараёнида мунтазам янгиланиб, бошқа ҳалқ ва миллат табобат анъаналарини ўзига сингдирган ёки бошқаларнинг билимларини бойишига хизмат қиласди.

Табобат анъаналари тарихан мураккаб йўлни босиб ўтган, жумладан ўзбекларнинг табобат анъаналари ҳукумат томнидан тақиқланган ва табиблар таъкиб остига олинган даврларни ҳам бошдан кечирган. Лекин, табобат анъаналари, айрим табиблар ва уларнинг авлодлари яширин равишда ҳалқ орасида яшаб қолди. Аждодлардан мерос сифатида сақланиб қолаётган тиб илми ҳалқ онгига шу даражада сингиб кетган эдики, бу борада давлат томонидан қабул қилинган қарорлар ва қўлланилган чора – тадбиларлар ҳам кутилган натижани бермади. Демак, ҳалқ жисмонан мавжуд экан, ўзининг тарихий тараққиёти давомида яратган барча анъана, удум ва маросимлар қатори табобат анъаналари ҳам яшаб қолаверади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Arnold Nyiegwen Muweh. Modernity in Traditional Medicine. Umeå. International School of Public Health, 2011. 2011.
2. Razak Mohammed Gyasi and other. Public perceptions of the role of traditional medicine in the health care delivery system in Ghana // Global Journal of Health Science Vol. 3, No. 2; October 2011.
3. Абдулжаббор Мухаммад Собир ўғли. Асрлар ошган табобат. Т. Давр пресс. 2007.
4. Авакян М. и др. Народная медицина – ценность, достойная научного доказательства // Научно-медицинский журнал НИЗ МЗ РА. Ереван. 2009. № 2.
5. Бромлей Ю., Воронов А. Народная медицина как предмет этнографических исследований // Советская этнография. 1976. № 5.
6. Фойибов М. ва бошқ. Хива табобати. Т. Абу Али ибн Сино. 1995.
7. Даля ёзувлари. Наманган вилояти, Наманган шахри. 2015 йил.
8. Даля ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Термиз шахри. 2015 йил.
9. Даля ёзувлари. Тошкент шахри, Юнусобод тумани. 2016 йил.
10. Даля ёзувлари. Навоий вилояти, Кармана тумани. 2015 йил.
11. Дмитриева С. Традиционная народно-медицинская практика // Русские. М. 1997.
12. Епифанцева А., Епифанцев А. Народная медицина – культурный слой истории общества // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. 2011. № 5.

13. История понятий «традиционная» и «народная» медицина / www.medicinform.net/history/nauka/1.htm. 27.05.2015.
14. Ключихин А. Народная медицина // Звезда. № 108, 1 октября 2015.
15. Кызыл-оол М. Народная медицина Тувы: современное состояние и перспективы развития // НИИ медико-социальных проблем и управления Республики Тыва. Том 2. № 1-1. 2015.
16. Қодиров А. Ўрта Осиёда медицинанинг пайдо булиши. Т. Ибн Сино. 1990.
17. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. Т. Шарқ. 2002.
18. Мўминов Ҳ. Имхотеп биринчи табиб. Т. Фан. 2007.
19. Соколов И., Степанов В. Народная медицина - наука и традиционное знание. СПб. Гидрометеоиздат. 2001.
20. Фарид Алекперли. Тысячай один секрет Востока. Том II. Баку. Нурлан. 2008.
21. Харитонова В. От народно-медицинских традиций к интегративной медицине // Научный вестник Ямalo-Ненецкого автономного округа. Выпуск № 1 (74). 2012.
22. Холматов Ҳ., Собиров Р. Халқ табобати ҳазиналарини ўрганишга доир // Кимё ва фармация. Т. 1993. № 3.
23. Ҳамроев М. Тибби ётми? Табобатми? // Шарқ табобати. 2009. № 3.
24. Ҳамроев М. Ўзбек халқ табобатининг назарий ва амалий асослари. Т. 2015.
25. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Ҳадис ва хаёт. Тиб ва дам. 18 жуз. Т. Шарқ. 2010.



Уибу мақолада халқ табобати тушиунчаси ҳамда унинг тарихи масаласи тадқиқ қилинган. Табиб, халқ табобати ва анъанаий табобат каби атамаларни мазмун моҳияти соҳага доир адабиётлар ҳамда дала тадқиқотлари маълумотлари асосида очиб берилган. Шунингдек халқ табобатининг умумий ва этнохудудий муаммоларига ҳам тўхталиб ўтилган.

В этом статье исследовано и выяснено понятия народная медицина и ее история. Открыто с основой полевые экспедиции и профессиональные литературы понятие лекарь, народная и традиционная медицина. А так же остановлено к общему и этнотерриториальному проблему народной медицины.

In this article analyzed folk medicine notion and its historical matter. It is taken up questions by books which about quack, folk medicine, traditional medicine's essence and field investigations' information. In this article also is give common and ethno territorial problem of folk medicine.